



Аллоҳ тўғри йўлни мисол қилиб келтирди

Наввос ибн Самъон разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари ривоят қилинган: «Аллоҳ тўғри йўлни мисол қилиб келтирди. Йўлнинг икки чеккасида икки девор бор. Икки девордан очилган эшиклар бор. Эшикларга парда осиб қўйилган. Йўлнинг дарвозаси олдида: «Ҳой одамлар, барчангиз бу йўлга кингиз, уёқ-буёққа оғмангиз»!, - дейдиган чорловчи бор. Йўлнинг устида яна бошқа бир чорловчи бўлиб, ўша эшиклардан бирини очмоқчи бўлган одамга: «Яшшамагур, очма! Агар уни очсанг унга кириб кетасан!», дейди. Тўғри йўл - Илом, икки девор - Аллоҳнинг чегаралари, очилган эшиклар - Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардир. Йўлнинг бошидаги чорловчи Аллоҳнинг китоби Қуръон Карим, йўлнинг устидаги чорловчи - Аллоҳ таоло ҳар бир мўъминнинг қалбига қўйган ваъз қилувчидир», - дедилар».

[Тўғри матн] [Тирмизий ва Аҳмад ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло Илом динини теккис қийшайиб кетмаган тўғри йўлга ўхшатди. Унинг икки ёқасидан ўраб турадиган икки девори бор. Улар, Аллоҳ таолонинг чегаралардир. Ушбу деворларнинг айрим ерларида ланг очик эшиклар бўлиб, улар Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардир. Бу дарвозаларнинг пардалари бўлиб, унинг ичидаги нарсаларни йўловчининг кўзидан тўсиб туради. Йўлнинг бошида бир чорловчи бўлиб, у, одамларга йўл кўрсатиб: «Ён тарафларга бурилмай равон йўлда давом этинглар»!, - деб туради. Бу чорловчи - Аллоҳнинг китобидир. Йўлнинг устида бундан бошқа чорловчи ҳам бор. У, йўловчи пардани озгина очмоқчи бўлса, дашном бериб: «Яшшамагур, очма! Очсанг киришга мажбур бўласан! Унга киришдан ўзингни тўхтата олмайсан!», - дейди. Бу чорловчи - ҳар бир мўъмин қалбидаги Аллоҳнинг воизидир», - деб баён қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65049>

